Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2021-YIL 16-IYUL, JUMA ★ № 29 (1346)

info@adolatgzt.uz
www.adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat

Партия ташаббуси



# “ЁШ АДОЛАТЧИЛАР” ФОРУМИ: ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан “Ёш адолатчилар” форуми ташкил этилди. Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги ёш депутатлар, “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари бўлган давлат мукофотлари совриндорлари, партиянинг фаол ёшлари иштирок этди. Онлайн тарзда ўтказилган анжумандан мақсад ёшларни интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, навқирон авлод вакилларининг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилди.

Форумда таъкидланганидек, ёшларимиз ҳақиқий маънода Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ҳам суянчи, ҳам таянчига айланган. Бугун партиянинг аъзолари умумий сони 458 минг нафардан зиёд, шундан 42 фоизини, яъни 192 минг нафарга яқинини айнан ёшлар ташкил этади. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 24 нафар депутатдан 4 нафари ёш депутатлар. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг 67 нафари ёшлардан иборат.

Бугунги кунда алоҳида эътибор туфайли навқирон авлод вакилларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Партия ёшларни катта куч деб билади. Шундай экан, улар бунга жавобан янада фаол бўлиши, бор билим ва куч-ғайратларини “Адолат” СДП нуфузини оширишга сафарбар этиши зарур. Биринчи навбатда, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажариш талаб этилади. Шу йўл билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшилади. Зеро, бугунги кунда Янги Ўзбекистон ёшлари – мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ёшлар сони шу кеча-кундузда 1.3 миллиард нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг 429 миллион нафари иш билан банд бўлса, 509 миллион нафари таълим олиш билан машғул, бироқ 267 миллион нафар ёшлар таълимдан, меҳнатдан узилиб қолган. Яъни дунёда ҳар беш нафар ёшлардан бири ишсиз ҳисобланади. Улар касбий кўникма ва даромадга ҳам эга эмаслиги ачинарли. Мавжуд муаммоларга ечим топиш, вазиятни барқарорлаштириш мақсадида ҳар бир мамлакатдан жиддий чоралар кўриш талаб этилади.

2

Кеча ва бугун

## Кўппартиявийлик тизими ва унинг ривожланиш босқичлари

Бу йил истиқлолга эришганимизга ўттиз йил тўлади. Жамият фаровонлигини бош мақсад қилиб олган, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида қурилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақилликнинг ҳуқуқий асосларига тамал тоши қўйди.

Ана шундай улкан ҳуқуқий асослар негизида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари сингари давлат ҳокимияти бошқаруви соҳаси ҳам изчиллик билан босқичма-босқич ривожланиш йўлига ўтди. Мамлакатимиз ўттиз йил давомида дуч келган барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, Янги Ўзбекистон пойдеворига тамал тоши қўйди.

Бугун мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати юксалиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйиб бораётгани, бу ишлар замирида инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари қарор топгани барчамизни қувонтиради. Айни вақтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган хунрезликлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авжига чиқаётгани мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик ўз-ўзидан бўлмаётганлигини кўрсатиб турибди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, барча саъй-ҳаракатлар халқ тинчлиги ва хотиржамлиги йўлига сафарбар қилинмоқда.



**Абдукамол РАХМОНОВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

2

Диққат, янги рукн:
Ҳуқуқшунос сўз сўрайди

## ТЕНДЕРСИЗ ЎТГАН САВДОЛАР ва ТУГАМАЁТГАН ҒАВҒОЛАР



**Олтиариқ тумани ҳокимининг қарори билан фуқаро Абдухалил Маматовга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 205 гектар ер майдони ажратиб берилган. Шундан сўнг Абдухалил Маматов “Маматхўжа Агро файз” фермер хўжалигини ташкил қилиб, Олтиариқ тумани ҳокимлиги билан ер майдонларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштирган ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан рўйхатдан ўтказиб, фаолият юритиб келган.**

Фермер хўжалиги раҳбари ўзига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариб келаётган бўлишига қарамасдан, Олтиариқ тумани ҳокими Ҳ.Ниёзов, Фарғона давлат ўрмон хўжалиги раҳбари билан биргаликда фермер хўжалигининг 150 гектар ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш учун ариза беришга кўндирадилар.

Натижада “Маматхўжа Агро файз” фермер хўжалиги раҳбари А.Маматовнинг 2018 йил 23 июндаги аризасига асосан, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ҳамда Олтиариқ тумани ҳокимининг 2018 йил 16 июлдаги 2345-сонли қарори билан “Маматхўжа Агро файз” фермер хўжалигининг 151,6 гектар ер майдони туман захира ерлари ҳисобига қайтарилади.

4

## “АДОЛАТ” АРАЛАШГАЧ, АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ



3

## Ижро ҳаракатлари ТИКЛАНДИ



4

## ЖАРИМА МИҚДОРИ аҳолининг иқтисодий имкониятларига



## ҚАНЧАЛИК МОС КЕЛАДИ?

5

## Чет тилини БИР ОЙда ўргатса... 




## ЎРГАНСА бўладими?

6

# “ЁШ АДОЛАТЧИЛАР” ФОРУМИ: ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

1 Бу масала Ўзбекистон учун ҳам жуда аҳамиятли. Чунки мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан ошади ва бу аҳолининг қарийб 55 фоизи демакдир. Ёшлар орасидаги расмий ишсизлик кўрсаткичи эса 17 фоиз ёки 844 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг фойдали меҳнат билан банд қилинмагани бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, бекорчиликдан интернет манбаларидан узлуксиз фойдаланиши ва ёт мафкуралар таъсирига осон берилиши учун шароит вужудга келади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Форумда интернетдан аниқ мақсад йўлида фойдаланиш маданиятини юксалтириш, ижтимоий тармоқлар домига илинаётган ёшлар мафкурасини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Қайд этилганидек, ижтимоий тармоқлар ҳаётимизга чуқур кириб бораяпти. Аммо улардаги маълумотларни ҳамма вақт ҳам ишончли, деб айтиш қийин. Айниқса, ёшларни тўғри йўлдан адаштиришга қаратилган ахборотлар тобора кўпайиб бормоқда. Айни пайтда интернет тармоқларида бузғунчилик, зўравонлик ва ёвузликни тарғиб этаётган кучлар ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшлардан ўз мақсади йўлида фойдаланишга интилаётганидан ҳам огоҳ бўлишимиз керак.

Шу боис партиямиз ташаббуси билан таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда. Бу жамоатчиликнинг биринчи даражали вазифасига айланиши лозим. Навқирон авлод вакиллари интернет тармоғидан фойдаланганда менталитетимизга хос ахлоқий меъёрларга риоя қилиб, ахборотларни жойлаштириш, тарқатиш, излаш хусусиятларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва интернет маданиятини мукаммал ўзлаштиришига кўмаклашишимиз зарур.

Бугунги тезкор замонда ахборот хуружидан ҳимояланиш, юзага келаётган салбий оқибатларни бартараф этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шиддат билан ривожланаётган ахборот асрининг ўзига хос салбий жиҳатлари ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда.

“Ёш адолатчилар” форумида айнан ушбу жиҳатларга урғу берилиб, ахборот маконида вояга етган ҳар бир ёшнинг ўзи мустақил ва онгли равишда унинг зарарли томонларидан ҳимояланишни билиши муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳаётимизда илм-фаннинг ўрни ва қадри нечоғли юксаклигига эътибор қаратилиб, ёшлар замонавий ахборот воситаларидан билим олишда самарали фойдаланишга чақирилди. Ахборот оқимида яққол кўзга ташланаётган ва ўзига оҳанграбодек маҳлиё қилган медиа маконнинг зарарли одатларидан ҳар доим огоҳ бўлиш давр талаби экани уқтирилди.

Форумда юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган ёшлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини видеороликлар, слайдлар, расмлар, овозли ёзувлар орқали баён этишди.

Шунингдек, *форумда “Адолат” СДП Ўзбекистон Ёшларига Мурожаат билан чиқди.*

## Сўз иштирокчиларга:




**Меҳриноз АБДИЯЗОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:**

*— Интернетдан оқилона фойдаланиш ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга олиб келади. Агар, аксинча ҳолат кузатилса, уларга бузғунчи ғояларни сингдириш жуда осон кечади. 2010 йилларда оммалашган «Кўк кит» ўйини бунинг яққол мисоли. Бу ўйиннинг асосий қурбонлари 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирларни ўз ичига олгани ҳеч кимга сир эмас. Бу каби ўйинлар жуда кўп. Шу кунларда ёшларга салбий таъсир кўрсатаётган воситалардан бири — “Tik Tok” ижтимоий тармоғидир. Бу тармоқда жойланаётган турли видеоларга тақлид қилиш жуда оммалашиб кетди. Араб давлатларида “Tik Tok”ка тақиқ қўйилгани ҳам бежиз эмас. Турли террористик ташкилотлар ҳам ёшлар онгини заҳарлашда асосан ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда. Кўпгина ёшларимиз осонгина алданиб, фирибгарлар тузоғига тушиб қолишмоқда.*



**Шаҳзод ХОЛМУРОДОВ,**
**Сирдарё вилоят “Ёш адолатчилар” қаноти кенгаши аъзоси:**

*— Бугунги кунга келиб, айниқса, ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг кузатувчанлик маҳоратини юзага чиқармоқда. Масалан, кимдир ўз шаҳрида рўй берган воқеани суратга олади ва уни дўстларига юборади. Шу тариқа кўплаб одамлар интернет тармоқлари орқали ушбу воқеадан хабар топади. Бундан ташқари, интернет тармоқларининг яна бир қулайлиги унда инсонлар яқинлари билан суҳбатлашиши ва кўплаб танишлар, дўстлар орттириши мумкин. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлардаги хабарларнинг аксарияти асоссиз, ёлғон, уйдирмалардан иборат экани ҳам айни ҳақиқат. Қолаверса, виртуал оламдаги ижтимоий муносабатлар ўзаро инсоний алоқаларнинг заифлашишига сабаб бўлмоқда. Юзма-юз учрашмаслик натижасида инсонлар ўртасида меҳр-оқибат камаймоқда. Энг ачинарлиси, бугун интернет тармоқларидаги аксар саҳифаларда мақтанчоқлик, дабдабага ўчлик кенг ёйилган. Масалан, айрим кишилар ўзларининг қандай кийим кийгани, қандай таомлар тановул қилгани, қандай машғулотлар билан шуғулланиши каби мавзуларни интернет тармоқлари орқали шов-шув қилишга одатланиб қолишди.*



**Жамшид МУСАЕВ,**
**Навоий вилоят “Ёш адолатчилар” қаноти кенгаши раиси:**

*— Жадал ривожланиб бораётган ахборот асрида замонавий техника воситаларидан фойдаланмаслик ёки уларга мурожаат этмасликнинг иложи йўқ. Аммо... Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ёшлар маънавиятига, уларнинг янгиликларга чанқоқ онгига салбий таъсири ҳам кузатилади. Илм олишга интилиш ўрнига айрим ўсмирлар ёвузлик руҳидаги компьютер ўйинлари билан овора бўлаётгани, қимматли вақтини бесамар ўтказаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Уларни биз интернет имкониятларидан тўлақонли, фақат билим олиш мақсадида фойдаланишга йўналтиришимиз лозим.*

*Ҳаётда қандай умуминсоний қоидаларга риоя қилиш лозим бўлса, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда ҳам ўзига хос тартиб-қоидалар, талаблар мавжуд. Фақат уларга риоя қилиш керак. Акс ҳолда турли ноқулайликлар, хатоликлар юзага келиши мумкин. Бу борада ёшларимизга ижтимоий тармоқларнинг салбий томонлари ва оқибатларини тушунтириш, улардан ҳимоя қилиш, доимий равишда тарғибот ишларини олиб бориш ҳар биримизнинг бурчимиздир.*



**Исломбек БЕКТАШЕВ,**
**Андижон вилоят “Ёш адолатчилар” қаноти кенгаши фаол аъзоси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндори:**

*— Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ва ахборот хуружларига қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, интернетдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари билан бирга маънавий-ахлоқий меъёрларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бу жараёнда кенг жамоатчилик фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Шунда интернетнинг салбий жиҳатлари камайиб, асосий эътиборни фойдали томонларига қаратган бўламиз.*



**Шарофат ҲАСАНОВА,**
**Жиззах вилоят “Ёш адолатчилар” қаноти кенгаши фаоли:**

*— Интернетда фойдали маълумотлар мавжуд бўлгани каби зарарли, инсон онгига салбий таъсир қиладиган манбалар ҳам кўпаймоқда. Экстремизмга чорловчи, фоҳишабозлик ва беҳаёлик, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи, инсон шаънига мутлақо тўғри келмайдиган ишларни тарғиб қиладиган сайтлар ва саҳифалар кўп. Баъзи одамлар интернет орқали бир-бирига билиб-билмай туҳмат қилиб, ҳақоратлаб, сўкишмоқда, бир-бирини шарманда қилмоқда. Айнан интернет орқали нафақат ахлоқий бузуқликлар, балки сиёсий, ижтимоий, молиявий, илмий ва бошқа кўпгина соҳаларда ҳам жиноятлар содир этилмоқда.*

*Демак, ижтимоий тармоқлар ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик йўлида хизмат қилиши мумкин экан. Бизнинг вазифамиз уларни яхшиликка хизмат қилдириб, ёмонликка бошламаслик чораларини кўришга ҳаракат қилишдир. Бунинг учун эса миллий қадриятларимиз асосида интернетдан фойдаланиш тартиб-қоидаларини йўлга қўйишимиз керак бўлади.*

**Ислам АИМБЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши аъзоси:**



*— Сўнгги кунларда мамлакатимизда “Tik-Tok” платформаси блоклангани айни муддао бўлди. Акс ҳолда қандай воқеалар рўй бераётгани барчамизга маълум. Масалан, турли ахлоқсиз, бемаза қилиқлар қилаётган ёшларнинг сони ортиб бораётган эди. Ёки ёди мангуга муҳрланган барҳаёт саймолар ҳайкалларини таҳқирлаётган ёшлар ҳам кўпчиликнинг дилини хира қилди. Ёшларнинг бундай хатти-ҳаракатлар қилишига нима сабабчи? Ижтимоий тармоқлардаги “юлдузлик” касаллига чалинган кимсаларнинг ҳам танобини тортиб қўйиш вақти келди...*

Тадбир сўнггида интернетдан фойдаланиш маданиятини кучайтириш ва мафкуравий хуружларга қарши туриш бўйича ёшларнинг фикр ҳамда таклифлари асосида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Гулнисо САИДОВА,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси бошлиғи**

# КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ
## ва унинг ривожланиш босқичлари

1 Бир сўз билан айтганда, мамлакат умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва демократик талаблар даражасида ривожланмоқда. Ҳар бир инсоннинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари рўёбга чиқмоқда. Бошқарувда очиқлик ва ошкоралик, сўз эркинлиги таъминланмоқда.

Шу ўринда, мамлакат тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни қай даражада, деган савол туғилади. Дарвоқе, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ собиқ тузумнинг партиявий якка ҳокимлигига, зўравон компартия тизимига барҳам берилиб, демократик қадриятларга асосланган кўппартиявийлик тизими вужудга келганлиги ва партияларaро соғлом рақобатга кенг ва тенг шароитлар яратиб берилганлиги ҳам фуқароларимизнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг сиёсий фаоллигини сезиларли даражада оширишга, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларида давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, сиёсий партияларнинг иштироки мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида **“Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас**”лиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуни ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонуни эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда кўппартиявийликнинг муҳим шартларини белгилаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу қонунлар ўз мақсадига кўра давлат бошқарувини мазмунан янгилаш, бунда мавжуд демократик тамойилларни кенгроқ жорий этиш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга омил бўлмоқда. Пировардида, сиёсий партиялар ролини оширишга, янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши учун йўл қўйилмаслигига, ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, бир сўз билан айтганда, парламентда сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишга, сиёсий тизимдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конституциявий қонунда мухолифатдаги партияларга қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасида тўлиқ қатнашиш ва муқобил қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқларининг берилганлиги ҳам жуда муҳимдир.

Қонунчиликка бундай нормаларнинг киритилишидан кўзланган мақсад, аввало, парламентда сиёсий партиялар ва шу партиялар фракцияларининг парламант ишига яқиндан киришиши, масъулиятини ошириши, ташаббускорлигини кучайтириши, улар орқали сайловчиларнинг ҳукумат фаолияти устидан назоратини кенгайтириши, фуқароларнинг сиёсий фаоллигининг ўсиши учун хизмат қилишига қаратилган.

Кўппартиявийликка асос солувчи мамлакат қонунлари ўзбек давлатчилигининг тарихий анъаналарига, замонавий давлатчилик ва парламентаризм борасида тўпланган тажрибаларга, ривожланган давлатлар амалиётига тўлиқ мос келиши баробарида, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси сифатида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши натижасида жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, сиёсий партияларга уюшиш каби конституциявий ҳуқуқлари эмин-эркин таъминланмоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигига давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган янги-янги нормаларнинг тараққиётга мос киритиб борилиши кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлат қуриш йўлимиз демократик тамойилларга таянишидан далолат беради.

Айниқса, Конституциямизга навбатма-навбат киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар барқарор ривожланиб бораётган мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрнини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг ривожланган мамлакатлар амалиётига мос келадиган халқаро тамойиллар Бош қомусимизда ўз ифодасини топгани сиёсий партиялар учун ҳам қадамдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги, Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши ҳақидаги конституциявий меъёрлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

Сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган яна бир қанча қўшимча ваколатлар бор. Масалан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши қонун лойиҳасини бир вақтнинг ўзида масъул қўмитага ва партия фракцияларига (депутатлар гуруҳларига) топшириши шарт, масъул қўмита фракцияларнинг фикрлари ва таклифларисиз қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки қилмаслик масаласида ўз хулосасини чиқаришга ҳақли эмаслиги шулар жумласидандир.

Худди шундай, Давлат бюджети лойиҳасининг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаси ҳам дастлаб фракциялар иштирокида амалга оширилади. Бу нормалар ҳам сиёсий партиялар фракциялари фаолиятига татбиқ этилиб, ҳар бир қонун лойиҳаси ҳали умумий тарзда кўриб чиқилишидан аввал, яъни Қонунчилик палатаси муҳокамасига қабул қилиш масаласи дастлабки тарзда фракцияларнинг муҳокамасига киритилади. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги иштироки шу тариқа ўзининг ижобий самарасини бермоқда, фракция аъзоларининг масъулияти ҳам янада ошмоқда.

Хуллас, юртимизда кўппартиявийлик ва сиёсий хилма-хилликнинг амал қилиши учун зарур қонунчилик асосларини яратиш билан бир вақтда сиёсий ислоҳотлар ва жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири – янги сиёсий маданиятни шакллантириш, аҳоли кенг қатламлари ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида, мамлакатда ҳақиқий кўппартиявийликнинг қарор топишига хизмат қилувчи қудратли механизм ишламоқда.

Хуллас, сайловга оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши ва Сайлов кодексининг қабул қилиниши, сайлов жараёнларида сиёсий партияларнинг иштирокига оид нормаларнинг янада демократлашуви, Президентликка, депутатликка номзодларнинг фақатгина сиёсий партиялар орқали кўрсатилиши каби илғор амалиётлар демократик жараёнларнинг муҳим қисми бўлиб, эркинлик, адолатлилик, ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар мос бўлмоқда.

*Бу йил сиёсий партияларнинг кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи ўрин олган. Жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президентлик сайловлари жамиятда кўппартиявийликнинг нақадар муҳимлигини яна бир карра исботлаб бериши аниқ. Ўзбекистон фуқаролари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан муносиб номзодга овоз бериб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқларини юксак сиёсий маданият билан амалга оширишига барча шарт-шароитлар яратилган.*

## Адлия аралашгач

Пахтаобод туманидаги умумтаълим мактабларининг 62 нафар ўқитувчилари тиббий кўрикдан ўтиши кераклиги, бироқ тиббиёт муассасалари тиббий кўрик учун пул талаб қилаётганлигини билдириб, бўлимимизга шикоят билан мурожаат қилди.

# ЎҚИТУВЧИНИНГ ПУЛИНИ КИМ “ТУЯ” ҚИЛМОҚЧИ?..

Аниқланишича, туман халқ таълим бўлими томонидан халқ таълими тасарруфидаги 6-, 11-, 20-, 22-, 26-, 31-, 34-, 38-, 39- ва 41-сонли умумтаълим мактаблари педагоглари учун белгиланган тартибда пул ўтказиб беришсагина тиббий кўрикдан ўтказилиши тегишли ташкилотлар томонидан маълум қилинган.

Ваҳоланки, “Таълим тўғрисида”ги қонунда педагог ходимларни давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиши кераклиги белгиланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига ҳукумат қарорларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви органларига ушбу қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш вазифаси юклатилган. Бироқ ҳозирга қадар соғлиқни сақлаш тизимидаги тегишли ҳужжатлар “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқлаштирилмаган. Бу эса Конституциямиз ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга зид.

Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмаси ва туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими томонидан “Таълим тўғрисида”ги қонун талаблари бузилиб, умумтаълим мактаблари педагог-ходимларининг бепул тиббий кўрикдан ўтиш ҳуқуқлари поймол бўлганлиги аниқланди.

Ушбу низони судгача ҳал этиш чоралари натижа бермаганлигини инобатга олиб, 62 нафар педагог ходимнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини тиклаш максадида бўлимимиз томонидан маъмурий ишлар бўйича Андижон туманлараро судига туман тиббиёт бирлашмасининг бепул тиббий кўрикдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ҳаракатини ноқонуний деб топиш ҳамда тумандаги 62 нафар педагог ходимларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича туман тиббиёт бирлашмаси ва туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига мажбурият юклаш тўғрисида ариза киритилган эди.

2021 йил 14 июлда ариза қаноатлантирилиб, педагог ходимлар бепул тиббий кўрикдан ўтадиган бўлди.

**Ғофуржон СОЛОМОВ,**
**Пахтаобод тумани адлия бўлими бошлиғи**

# “АДОЛАТ” АРАЛАШГАЧ, АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ


inson manfaatlari — oliy qadriyat
ADOLAT
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ
ЁШЛАР ИҚТИДОРИ – ВАТАН ИФТИХОРИ
5000 СЎМ УЧУН
ЕР АЖРАТИШДА

Аввал, хабар берганимиздек, жорий йилнинг 24 июнь куни Чироқчи туманида умргузаронлик қилаётган фуқаро туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонасига мурожаат қилади. Шифохона кундузги муолажа фельдшери F.А. фуқародан касаллик тарихи дафтарини очиш учун 5000 сўм сўрайди... Ушбу воқеа хабари ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Шундан сўнг туман юқумли касалликлар шифохонаси раҳбарининг 2021 йил 1 июлдаги буйруғи билан муолажа фельдшери F.А. ишдан бўшатилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, фаоллар билан бўлиб ўтган нохуш ҳолатни атрофлича ўргандик. Туман юқумли касалликлар шифохонаси ходимлари билан юзма-юз мулоқотда фельдшер Ғ.А. яхши ходим экани ҳақида маълумотларга эга бўлдик. Шундан сўнг муолажа фельдшери Ғ. А.ни ўз ўрнига қайта тиклаш юзасидан мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бордик. Ҳақ йўлидаги уринишларимиз зое кетмади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят ва туман кенгашига Чироқчи туман юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори С. Боймирзаев имзоси билан хат келди. Унда ёзилишича, шифохона кундузги муолажа фельдшери Азамат Ғозиев ўз ўрнига ишга тикланибди. Демак, адолат қарор топди.

Биз партия фаоллари ҳечдан кўра кеч бўлса-да, бир фуқарога нисбатан ноҳақ йўл тутилганлигини аниқ далиллар билан исботлаб, уни аввалги иш жойига қайтарганимиздан мамнун бўлдик.

**Собир АҲМЕДОВ,**
**Чироқчи туман кенгаши раиси,**
**халқ депутатлари туман Кенгашидаги**
**депутатлик гуруҳи раҳбари**

# МУРОЖААТЛАР МУТАСАДДИЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ЎРГАНИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Манзура Салимова Қува тумани ҳамда Қувасой шаҳрида сектор раҳбарлари, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари ва фаоллари билан учрашди.**



Ушбу учрашув доирасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг жорий йил 16 июнда қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳияти ҳамда Сенат таркибида ташкил этилган янги – Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси ва унинг олдида турган вазифалар хусусида тушунтириш олиб борилди. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 6 июлда имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган муҳим вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш каби масалалар таҳлил қилинди. Мулоқот жараёнида иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Сенатор Манзура Салимова 2021 йил 28 май куни “Ҳудудларда ипотека дастурларини амалга ошириш, кўп квартирали уй-жой массивларини барпо этиш, уларни инфратузилма билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳудудларда олиб борилаётган ишлар билан танишди. Аҳоли билан учрашувларда қабул қилинган янги қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтирди. Турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида сўз юритди.

Фуқароларнинг мурожаатлари сенатор томонидан мутасадди раҳбарлар билан биргаликда жойида ўрганилиб, уларни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бўйича самарадорликни оширишга қаратилган тавсиялар берилди.

Сенаторга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Шерзод Каримов ҳамроҳлик қилди.

Ўрганишлар давом этмоқда.

**Фарғона вилоят кенгаши**
**матбуот хизмати**

## Эълон

### Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати

***вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги қуйидаги бўш иш ўринларига танлов эълон қилади:***

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати:**
– Ҳисобчи;
– Омбор мудири.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши:**
– Асака туман кенгаши раиси;
– Қўрғонтепа туман кенгаши раиси.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши:**
– Жондор туман кенгаши раиси;
– Вилоят кенгаши матбуот котиби.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши:**
– Қарши туман кенгаши раиси;
– Шаҳрисабз туман кенгаши раиси.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши:**
– Наманган туман кенгаши раиси;
– Давлатобод туман кенгаши раиси.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши:**
– Мирзабод туман кенгаши раиси.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят кенгаши:**
– Қизириқ туман кенгаши раиси.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши:**
– Олмазор туман кенгаши раиси;
– Бектемир туман кенгаши раиси;
– Яккасарой туман кенгаши раиси.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши:**
– Янгийўл туман кенгаши раиси.

Номзодлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:

*– Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;*

*– бошқа сиёсий партияга аъзо бўлмаслик (туман ва шаҳар кенгаши раиси лавозимига тавсия этиладиган ходимлар учун Ўзбекистон “Адолат” СДПга аъзолик мажбурийдир);*

*– туман ва шаҳар кенгаши раиси лавозимига тавсия этилаётган номзодлар маълумоти олий, мутахассислиги бўйича маълумот ва камида уч йил иш стажига эга бўлиши, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва демократик ислоҳотларнинг асосий устуворликларини, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларини яхши билиши ҳамда ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятига, жамоада ишлаш, ахборот-таҳлилий фаолият юритиш, омма олдида чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;*

*– электрон ҳужжат алмашиш тизимида ишлаш асосларини билиш, персонал компьютерда ишлаш, интернет тармоғи, локал ва корпоратив тармоқлардан фойдалана олиши;*

*– юксак маданий ва маънавий етук бўлиши.*

*Танловда етакчилик қобилиятига эга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга интилаётган, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича пухта билим эгаллаган олий ўқув юртлари битирувчилари бўлган ёш кадрларга афзаллик берилади.*

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

*– маълумотнома (расми билан белгиланган тартибда тўлдирилган бўлиши лозим);*
*– охирги иш жойидан тавсифнома;*
*– номзод тўғрисида фикрнома;*
*– маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;*
*– меҳнат дафтарчасидан нусха;*
*– паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган варағи билан).*

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани,
“Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(0371) 288-42-01, 288-46-64(104).
e-mail: info@adolat.uz
Интернет-сайт: www.adolat.uz

## Муаммо билан юзма-юз

Ҳудудларда мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар, фуқаролар мурожаатларига бўлган эътибор ва маҳаллий Кенгаш сессияларида кўтарилаётган масалалар фикримиз тасдиғидир. Партиянинг Андижон вилоят кенгаши фаолларининг навбатдаги йиғилиши айни шу масала муҳокамасига бағишланди.

# Фуқаро бизга қачон ишонади?

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида маҳаллий кенгаш сессияларига андижонлик “адолатчилар” томонидан ўрганишлар асосида 18 та ва доимий комиссияларга 16 та масала киритилди. Депутатлар томонидан тасдиқланиб, ижросини таъминлашга киришилди. “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси бўйича 1630 та мурожаат келиб тушгани, улардан 1201 таси ечимини топгани, бир тарафдан, партиядошларимизга бўлган ишонч ортиб бораётганини кўрсатса, иккинчи тарафдан, жамоатчиликни қийнаётган муаммолар ҳамон кўплигини ифодалайди.

Юқоридаги рақамлар кўпми ёки оз? Албатта, қониқарли эмас. Бу янада фаол иш олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

— Бугун жамоатчилик билан ишлаш биринчи даражали вазифага айланди. Айниқса, партия фаоллари ва депутатлар зиммасидаги масъулият янада ортди. Агар фуқаролар орасига кириб бормасак, жамоатчилик билан ҳамкорликда ишламасак, мақсадга эриша олмаймиз. Асосийси, муаммони аниқлаш баробарида ечимини ҳам топиш зарур. Ана шунда фуқаролар бизга ишонч билан қарайди, — дейди муҳокамада сўзга чиққан Марҳамат туман кенгаши раиси Аблиёр Қораев.

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## Матбуот анжумани

# КАМЧИЛИКЛАРНИ ЯШИРИШ ЭМАС, ҲАЛ ҚИЛИШ КЕРАК

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгашида ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани ўзида ана шундай мақсадни ифодалади, дейиш мумкин. Чунки партия ҳудудий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил қилиш фурсати келди. Яъни жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида эришилган ютуқлар билан биргаликда камчиликларимиз, фаолиятда сусткашликка йўл қўяётган ҳолатларимиз ҳам бор. Журналист ва блогерлар иштирокидаги карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказилган онлайн анжуман савол-жавобларга бой бўлди.

Дастлаб партия вилоят кенгаши томонидан олиб борилган ишлар ҳисоботи юзасидан вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Беҳзод Абдуллаев маъруза қилди.

– Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши ва туман ва шаҳар кенгашлари томонидан 2021 йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлар, йўл харитасида белгиланган масалалар ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ўрганиш юзасидан 131 та тадбир ҳамда 80 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди, – деди маърузачи. – Жорий йилнинг олти ойи давомида партиянинг ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 201 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1943 та хонадон ва 15 та хўжалик юритувчи субъектлар ўрганилди. Учрашувлар мобайнида аҳолидан 265 та мурожаат келиб тушди, улар юзасидан мутасадди ташкилотларга 189 та депутатлик сўровлари юборилди. Натижада 70 дан ортиқ масала ўз ижобий ечимини топди. 30 дан ортиқ мурожаатлар мутасадди органларни жалб этиш орқали жойида ҳал этилди. 41 мурожаат ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилди, 141 та мурожаат ечими устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Партиянинг “Бир ойда – бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар ҳамда аёлларнинг маълумотлар базаси шакллантирилди. Уларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилди. Натижада 65 нафар фуқаро иш билан таъминланди. “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида жойларда партиянинг бир ходими ва депутатлик корпуслари вакили биттадан маҳаллага бириктирилди.

Хусусан, лойиҳа доирасида жами 19 маротаба ҳудудларда тадбирлар ҳамда учрашувлар уюштирилиб, 40 га яқин муаммоларни ҳал этишда кўмак берилди. Бунда 200 нафарга яқин аёлларни қийнаётган масалалар кўриб чиқилди.

Матбуот анжуманида халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг олти ойлик фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Бу борада халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Салоҳиддин Элмуродов ҳисобот берди:

– Ҳозирда халқ депутатлари вилоят Кенгашида саккиз нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 48 нафар депутатлар фаолият кўрсатмоқда. Биз ўтган давр мобайнида мутасадди ташкилотларга 189 та депутатлик сўровини йўлладик. Шундан 51 таси амалий натижа берган бўлса, қолганлари ўрганиш жараёнида. Тан олиб айтиш керакки, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлар сони билан таққослаганда бу кўрсаткич қониқарсиз. Шу сабабли биз фаоллик кўрсатмаётган депутатларга фаол депутатларни бириктириш орқали сайловчиларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

“Kun.uz”нинг Жиззах ва Сирдарё вилояти бўйича мухбири Шуҳрат Юнусов “Партия томонидан қилинган ишлар фақат рақамларда бўлиб қолмаяптими, амалдаги лойиҳалар ва ўрганишлар қандай натижа бераяпти?” деган саволни ўртага ташлади.

– Амалий ишларимиз яхши натижалар бермоқда, – деди бу саволга жавобан Беҳзод Абдуллаев. – Масалан, “Аёллар дафтари” бўйича 5 июль ҳолатига кўра 39 маротаба ўрганиш, 21 тадбир ташкил этилди. Ўрганишлар давомида Гулистон шаҳар “Боғишамол” маҳалласида яшовчи Салима Абдураимова, Сайхунобод туман “Пахтаобод” маҳалласида яшовчи Райҳон Иманова, Юлдузхон Исроилова, “Иттифоқ” маҳалласида яшовчи Ҳилола Диярова каби 53 нафар аёлга “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилишда амалий ёрдам берилди. Бу ҳаммаси эмас. Аслида партия фаоллари томонидан амалга оширилган ишлар рақамларда ҳам ифодасини топиши керак. Бу фаолиятимизни бошқа сиёсий партиялар фаолияти билан таққослаганда ўзига хос мезон бўлиб хизмат қилади.

Анжуманда барча саволларга жавоб берилди, ўртага ташланган масала ва таклифлар муҳокама қилинди. Мазкур матбуот анжумани сабаб партия вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳи аъзоларининг фаолиятидаги баъзи камчилиликларга ҳам эътибор қаратилди. Энг муҳими – муаммони яшириш эмас, ҳал қилиш керак, деган хулосага келинди.

**Маҳфират ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Сирдарё вилоят кенгаши**
**матбуот котиби**

# ТЕНДЕРСИЗ ЎТГАН САВДОЛАР ВА ТУГАМАЁТГАН ҒАВҒОЛАР



1 Захирага қайтарилган "Жўрак" массиви ҳудудидаги 11,2 гектар ер майдонидан Олтиариқ тумани ҳокимининг 2018 йил 13 августдаги 2748-сонли қарори билан фуқаро А.Мадаминовга 3 гектар, 2749-сонли қарори билан фуқаро А.Пўлатовга 3,1 гектар, 2750-сонли қарори билан фуқаро Р.Ғопиржоновга 2,1 гектар ва 2751-сонли қарори билан фуқаро О.Жалиловга 3 гектар боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилади.

Туман ҳокимининг ушбу қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, "Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом" талабларига зид чиқарилганлиги сабабли Фарғона вилояти прокуратураси томонидан протест киритилади ва туман ҳокимининг 2019 йил 20 февралдаги 841-, 843-, 844- ва 852-сонли қарорлари билан бекор қилиниб, юқоридаги 11,2 гектар ер майдони туман захира ерлари ҳисобига қайтарилади.

Лекин орадан 4 ой ўтказиб, Олтиариқ тумани ҳокими яна тендер танлови ўтказмасдан ёки тендер танлови ўтказиш ҳақида қарор чиқармасдан ва оммавий ахборот воситаларида эълон бермасдан ушбу туман захира ерлари ҳисобига қайтарилган 11, 2 гектар ер майдонини 2019 йил 13 июндаги 4129-сонли қарори билан фуқаро Абдумуталиб Мамажоновга узумчилик-боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб беради.

Фуқаро А.Мамажонов ушбу қарорга асосан "Қизилтепа зарқум боғи" номли фермер хўжалиги ташкил қилади ва фаолият бошлайди...

Фарғона вилояти прокуратураси Олтиариқ тумани ҳокимининг ушбу 2019 йил 13 июндаги № 4129-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлар талабларига зид бўлганлиги сабабли бекор қилиш юзасидан 2020 йил 11 март куни 11/4-51928-20-сонли протест киритган.

Ушбу протестнинг ижросини таъминлаш учун Олтиариқ тумани ҳокими 2020 йил 27 мартда 462-сонли қарорини чиқариб, ушбу қарори билан муқаддам 2019 йил 13 июндаги чиқарган 4129-сонли қарорини бекор қилган.

Лекин 2020 йилнинг август ойида "Қизилтепа зарқум боғи" фермер хўжалиги раҳбари А.Мамажонов Олтиариқ тумани Маъмурий судига Олтиариқ тумани ҳокимининг 2020 йил 27 мартдаги 462-сонли ва 2020 йил 8 июндаги 656-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан шикоят ариза билан мурожаат қилган.

Олтиариқ тумани Маъмурий судининг раиси И.Матмусаев ишни "Қизилтепа зарқум боғи" фермер хўжалигининг манфаатларини кўзлаб, шикоят талабини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

Ушбу суд жараёнида И.Матмусаев Олтиариқ тумани ҳокимлиги томонидан тендер танлови ўтказилмасдан, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Ер кодекси ва бошқа бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларини бузиб, 2019 йилнинг 13 июнь куни чиқарган 4129-сонли қарорига нисбатан Фарғона вилояти прокуратураси протест киритганини, ушбу протест ижросини таъминлаш учун Олтиариқ тумани ҳокимлиги томонидан 2020 йил 27 март куни 462-сонли қарор қабул қилинганлигини, ўзи қабул қилган қарорни туман ҳокимлиги ўзи бекор қилиши мумкин эмас, деб кўрсатмоқда.

Ваҳоланки, биринчи инстанция суди ўзининг ҳал қилув қарорида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни талабларини келтирган бўлсада, айнан ушбу қонунга кўра ҳокимлар қонун талабларига зид равишда чиқарган қарорларини прокурор протестига асосан ўзлари бекор қилишлари белгиланган, деган қоидани четлаб ўтган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида"ги қонуни 59-моддасида "Маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин, дейилган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди "Қизилтепа зарқум боғи" фермер хўжалиги туман ҳокимлиги билан узоқ муддатли ер ижара шартномасини тузиб, давлат рўйхатидан ўтказганлигини, бу билан ерга бўлган ижара ҳуқуқи вужудга келганлигини асос қилиб келтирган. Лекин суд ушбу ижара шартномаси туман ҳокимлигининг ноқонуний равишда чиқарган 4129-сонли қарорига асосан тузилганлигига, ижара шартномасининг негизи ноқонуний бўлганидан кейин, ижара шартномаси ҳам ҳақиқий бўлмаслигига умуман баҳо бермаган ва баҳо беришни истамаган. Қолаверса, ер ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганини инобатга олмаган.

Шу билан бирга ушбу масалани ҳал қилишга оид суд жараёнида яна бир қонун бузилишига оид ҳолат юзага келди. Яъни, биринчи инстанция суди муқаддам Олтиариқ туман Маъмурий суди раиси бўлиб ишлаган И.Матмусаев бошчилигида ўтказилганлиги сабабли "Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалиги вакили И.Матмусаевнинг иккинчи, апелляция судлов ҳайъатида иштирок этишига раддия билдирди. Афсуски, бу раддия эътиборга олинмади. Наҳотки, бир судья ҳам биринчи судлов ишида, ҳам иккинчи апелляция судлов ишида иштирок этиши қонуний жиҳатдан асосли бўлса? Ахир бу ҳолда қайси судья ўзининг биринчи инстанция судида йўл қўйган хатосини иккинчи апелляция судида тан олади?

"Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалигининг раҳбари, ушбу суднинг ҳал қилув қароридан сўнг, бир неча маротаба ваколатли идораларга мурожаат қилди, лекин унинг мурожаатлари оқибатсиз қолиб кетди. Шундан сўнг, ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида Фарғона вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши орқали Риштон туманлараро Иқтисодий судига Олтиариқ тумани ҳокимининг 4129-сонли қарорини ва "Қизилтепа зарқум боғи" фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган узоқ муддатли ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида даъво ариза билан чиқди. Лекин Риштон туманлараро Иқтисодий судининг ажрими билан даъво ариза қайтарилган.

Шундан кейин "Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалигининг раҳбари бир неча маротаба вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига низоли ер масаласини ҳал қилишда амалий ёрдам беришларини, чунки фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3680-сонли қарорига асосан Кенгашга аъзо эканлиги ва мунтазам равишда аъзолик бадалларини тўлаб келишини таъкидлаб, ПҚ-3318-сонли қарорга асосан фермер хўжалиги манфаатларини судда ҳимоя қилишлари лозимлигини таъкидлаб, ёзма равишда қилган мурожаатидан сўнг Кенгаш раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А.Ҳакимов Фарғона туманлараро Маъмурий судига шикоят ариза киритишга розилик беради.

> "Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги қонуни 10-моддасида "Маъмурий судларда давлат божи тўлашдан озод қилиш" тартиби белгиланган.
>
> Лекин биринчи инстанция суди ўзининг ҳал қилув қарори билан "Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалигидан 4 900 000 сўм давлат божи ундиришни белгилаган. Бу ҳам етмагандек апеляция судлов ҳайъати томонидан фермер хўжалигига 2 450 000 сўм давлат божи белгиланган.

Вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан Фарғона туманлараро Маъмурий судига Олтиариқ тумани ҳокимининг 4129-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан киритилган шикоят ариза ҳам қаноатлантиришдан рад қилинди.

Маълумки, туман ҳокимлиги ҳузурида тумандаги ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари таркибидан иборат ҳолда тузилган фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун ер участкаларини танлаш, ажратиш ва реализация қилиш комиссияси маъмурий органлар тоифасига кирмайди. Шундай экан тендер танлов комиссияси маъмурий орган ҳисобланмаслиги ва у томонидан қабул қилинган қарорлар – қарор шаклида эмас, балки баённома шаклида расмийлаштирилиши сабабли уни ҳақиқий эмас, деб топиш учун Маъмурий судларга мурожаат қилиш мумкин эмас.

Шунингдек, биринчи инстанция суди ўзининг ҳал қилув қарорида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115-моддаси 5-бандига кўра, Фарғона вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг талаблари рад қилинганлиги сабабли, аризачи томонидан олдиндан тўланган 19 600 сўм почта харажатларини инобатга олиб, манфаатдор шахс "Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалигидан 4 900 000 сўм давлат божи ундиришни лозим топган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3318-сонли қарорининг 3-бандида даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганида манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмайди", деб белгилаб қўйилган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги қонуни 10-моддасида "Маъмурий судларда давлат божи тўлашдан озод қилиш" тартиби белгиланган.

Лекин биринчи инстанция суди ўзининг ҳал қилув қарори билан "Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалигидан 4 900 000 сўм давлат божи ундиришни белгилаган. Бу ҳам етмагандек апеляция судлов ҳайъати томонидан фермер хўжалигига 2 450 000 сўм давлат божи белгиланган.

Олтиариқ тумани ҳокими ўзининг 2019 йил 13 июндаги 4129-сонли қарорини чиқариш билан бир қатор танловда қатнашиш истагида бўлган фуқароларнинг хуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган ҳамда "Маматхўжа Агро файз" фермер хўжалигининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказган. Ушбу ҳолатлар биринчи инстанция судида ҳам, иккинчи инстанция судида ҳам айтилган бўлишига қарамасдан, судлар амалдаги қонунларимизга зид иш кўришган.

Хуллас, Олтиариқда ноқонуний равишда тендерсиз ўтган савдоларнинг ғавғолари тугамаётибди. У, умуман, тугармикан? Бу борада сўнгги сўзни ким айтади муҳтарам фарғоналик адолат посбонлари?!

**Ҳайдаржон НИШОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## "Adolat"га жавоб берадилар

# Ижро ҳаракатлари тикланди

Навоий вилоятидан "**Zarafshon Don Invest**" МЧЖ директори М.Ҳалимов "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетасига мурожаат қилиб, фуқаро сифатида қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётгани, хусусан, **"Zarafshon Don Invest" МЧЖ** билан **"Texno Tudey" МЧЖ** ўртасида маиший техника воситаларини сотиб олиш учун шартнома тузилганини, бироқ "Zarafshon Don Invest" "Texno Tudey" МЧЖ шартнома мажбуриятларини бажармагач, 2020 йилнинг 10 октябрида Кармана туман иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилганини, суд томонидан фирма фойдасига **18 877 739 сўм** ундирилиши белгиланган бўлса ҳам ҳанузгача бу маблағ тўлалигича ундириб берилмаётгани туфайли МЧЖнинг қонуний ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўраган. Газетамизнинг 2021 йил 11 июндаги 24-сонида фуқаронинг "**ТАҲРИРСИЗ ХАТ**" рукни остида "**ГАЗЕТАГА ЁЗМАСАК БЎЛАР ЭКАН...**" сарлавҳали мурожаати чоп этилгач, муаммони қонуний ҳал этиш учун Навоий вилоят прокуратурасига хат йўллаган эдик. Таҳририятимизга ушбу мактуб юзасидан келган расмий жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз.

***"Adolat" газетасининг 17.06.2021 йилдаги 63-сонли хати юзасидан вилоят прокуратураси томонидан "Zarafshon Don Invest" МЧЖ директори М.Ҳалимовнинг суд қарори ижроси таъминланмаётганлиги ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилди.***

***Аниқланишича, Кармана туманлараро иқтисодий судининг 14.12.2020 йилдаги "Texno Tudey" МЧЖдан "Zarafshon Don Invest" МЧЖ фойдасига 18.877.739 сўм моддий зарар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича Мажбурий ижро бюросининг Кармана туман бўлими томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилган.***

***Ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида "Texno Tudey" МЧЖ фаолият юритмаётганлиги ва унинг мол-мулклари мавжуд эмаслиги аниқланганлиги важи билан 08.05.2021 йилда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан ижро ҳужжати ундирувчига ижросиз қайтарилган.***

***Мурожаатни кўриб чиқиш давомида давлат ижрочисининг ижро ҳужжатини қайтариш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, ижро ҳаракатларини олиб бориш учун Бюронинг Кармана туман бўлимига юборилиши таъминланди.***

***Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича мурожаат муаллифига жавоб хати берилди.***

Д.К.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
вилоят прокурори ўринбосари




ТАҲРИРИЯТ: Албатта, газетамиз мурожаатига ўз вақтида жавоб қайтаргани учун Навоий вилоят прокуратурасига миннатдорлигимизни билдирамиз. Айни пайтда таҳририят бундан кейин мазкур мавзу юзасидан чиқишлар қилмас, яъни муаммо ўзининг узил-кесил ечимини топади, дея умид билдириб қоламиз. Янгидан бошланган ижро ҳаракати ҳам жавобгар томон фаолият юритмаяпти, унинг молк-мулклари йўқ, шу сабабли ҳаракатни тўхтатамиз деганга ўхшаш ноқонуний хулосага келмас. Токи, тадбиркор суд қарори билан ундириб берилиши лозим бўлган маблағини ололмай елиб-югурмасин, сарсон-саргардон бўлмасин. Ана шундагина тадбиркорларнинг ижро ҳокимиятига, умуман олганда, амалдаги қонун-қоидаларимизга, суд тизимига ишончи мустаҳкамланади.

## Адолат тарозиси

# АСОССИЗ ДАЪВО суд томонидан рад этилди



Фарғона туманлараро иқтисодий судига Қува туманидаги "SHAMSHODBEK SHOHRO`ZBEK" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қудратилло Раҳматуллаевдан даъво ариза келиб тушди. Унда жамият раҳбари Жанубий Фарғона магистрал канали бошқармаси ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасидан 171 200 000 сўм зарарни ундириб беришни сўраган.

Хўш, Қ.Раҳматуллаев нега бундай қилди, Жанубий Фарғона магистрал канали бошқармаси ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси унга қандай зарар етказишганди?

Гап шундаки, 2015 йил 2 январь куни "SHAMSHODBEK SHOHRO`ZBEK" МЧЖ билан Жанубий Фарғона магистрал канали бошқармаси ўртасида 1-сонли ижара шартномаси имзоланган. Мазкур шартномага мувофиқ, жамият 2015 йил март ойида 2910 килограмм балиқ чавоқларини очиқ сув ҳавзасига ташлаган. Кейинчалик – 2016 йил 6 сентябрда эса юқоридаги шартнома бекор қилиниб, шу куни 953 гектар майдонни эгаллаган "Каркидон" сув омборини ижарага олиш тўғрисидаги 102-сонли шартнома тузилган. Сўнг ҳукуматнинг тегишли қарори ва янги шартномага биноан, тадбиркор сув омборида 30 дона қафас (садок) ўрнатиб, шу усулда 75 тонна балиқ ва балиқ чавоқларини етиштириш ҳамда реализация қилишни режалаштирган. Бироқ бирданига 30 дона эмас, дастлаб 12 дона қафас(садок)ни ўрнатган ҳолда иш бошлаган. Аксига олиб, балиқларни парваришлаш мобайнида 7 дона қафас кучли шамол таъсирида сув остига ғарқ бўлган. Шунга яраша балиқлар ҳам сув ҳавзасига чиқиб кетган. 2017 йил куз фаслида эса Қудратилло ака 5 дона қафасдаги балиқларни етарли даражада озиқлантира олмаганлиги сабабли ўз ихтиёри билан очиқ сув ҳавзасига чиқариб юборган. Аммо шундай бўлса-да, 2015-2017 йилларда 2910 кг балиқ чавоқларини тўлиқ овлай олмаган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги "Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 593-сонли қарори билан тасдиқланган "Балиқ овлаш хўжаликларига табиий сув ҳавзалари участкаларини ажратиш, балиқни саноат йўли билан овлаш, балиқ овлаш хўжаликларининг табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлиги учун ижара тўловини ҳисоблаш ва ундириш тартиби тўғрисида"ги низом ижроси доирасида 2018 йил 10 март куни "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан тендер ўтказилади. Мазкур танловда "SHAMSHODBEK SHOHRO`ZBEK" МЧЖ ва "Каркидон Садоқ Балиғи" масъулияти чекланган жамияти иштирок этган. Натижада танловда "Каркидон Садоқ Балиғи" МЧЖ танлов ғолиби деб топилиб, у билан уюшма ўртасида 10 йил муддатга ижара шартномаси имзоланган. Бинобарин, Қ.Раҳматуллаев судга юқорида қайд этилган даъвони киритган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, томонлар ўртасида имзоланган ижара шартномасининг 3- ва 4-бобларида ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унга мувофиқ, ижарага олувчи ижарага олинган сув сатҳи майдонида етиштирилган балиқларни овлашда табиат ва экологияга оид қонунлар ҳамда тартиб-қоидаларга риоя қилиши, балиқларни овлашда эса ижарага берувчини хабардор қилиш шарт бўлган. Бироқ Қудратилло Раҳматуллаев балиқ овлашдан олдин ижарага берувчини хабардор қилмаган. Ёки хабардор қилганлигини тасдиқловчи далилларни судга тақдим этолмади. Шунингдек, ижарага олувчи балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини бузмаслик, бириктирилган сув ҳавзасини субижарага бермаслик, ҳар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш, балиқчилик мелиорацияси, балиқларнинг овланадиган турлари ва наслларини сақлаб қолиш, балиқчилик ресурсларини сақлаш ҳамда кўпайтириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳар йили декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказига табиий сув ҳавзаларидаги балиқ захираларининг аҳволи ва уларни кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этиш, овланган балиқларнинг ҳаммасини намунавий ов дафтарида қайд этиш, балиқларнинг товар-транспорт хати бўйича ташилишини амалга ошириш, балиқ овлаш воситаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва балиқ овлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, табиий сув ҳавзаси ижара тўловини ўз вақтида амалга ошириш каби мажбуриятларни бажармаган.

Суд мажлисида эса "SHAMSHODBEK SHOHRO`ZBEK" МЧЖ даъвонинг "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига нисбатан қисмини кўрмасдан қолдиришни сўради. Шу ва юқоридаги омилларга таянган суд асоссиз даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Бу бошқа балиқчиларга ҳам сабоқ бўлиши шарт.

**Хусниддин ЖАМОЛИДДИНОВ,**
**Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси,**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**

# ЖАРИМА МИҚДОРИ




### РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

Маълумотларга кўра, 2018 йил давомида фото ва видео махсус воситалар орқали 621 355 та қоидабузарликлар бўйича 208,4 млрд. сўмлик жарималар белгиланган бўлса, 2019 йилда 1 227 844 та ҳолатда 481,8 млрд. сўмлик,

2020 йилда эса 1 763 691 та ҳолатда 724.6 млрд. сўмлик жарималар қўлланилган. Бу 2018 йилга нисбатан аҳоли томонидан тўланган жарима суммаси миқдори 28,3 фоизга ошганини англатади.

Ажабланарли томони, махсус автоматлаштирилган фото ва видео техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун расмийлаштирилган маъмурий қарорлардан норози бўлиб судга қилинган мурожаатларнинг аксарияти суд томонидан қаноатлантирилган. Хусусан, 2020 йил давомида 19 134 та шу соҳа бўйича судларда кўрилган ишларнинг 89,2 фоизи, яъни 17 073 таси қаноатлантирилган бўлса, 5 778 та иш бўйича ишни юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 2021 йилнинг 1-чорагида 3 481 та кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлардан 2 612 таси ёхуд 75 фоиз ишлар қаноатлантирилган...

БУ РАҚАМЛАРГА ҚАНДАЙ ИЗОҲ БЕРИШНИ ЗУККО ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИГА ҚОЛДИРАМИЗ.

## аҳолининг иқтисодий имкониятларига ҚАНЧАЛИК МОС КЕЛАДИ?

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобиль йўлларини назорат қилиш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш масалалари қанчалик муҳим бўлишига қарамасдан, қоидабузарликлар учун БЕЛГИЛАНГАН ЖАРИМА ва ЖАЗО ЧОРАЛАРИ аҳолининг ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИГА мос келиши зарур. Бу, айниқса, 2020 йилдан бошлаб бутун дунёда ва Ўзбекистонда давом этиб келаётган карантин чекловлари ҳамда бунинг оқибатида аҳоли иқтисодий-ижтимоий имкониятларининг ёмонлашуви фонида янада долзарб аҳамият касб этади.

Маълумки, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳаси Ўзбекистон Республикасининг "**Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида**"ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган **Йўл ҳаракати қоидалари**га мувофиқ тартибга солинади.

"**Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида**"ги қонунга кўра, *йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш* – йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши **сабабларининг олдини олишга,** бундай ҳодисалар **оқибатларининг оғирлигини камайтиришга** қаратилган фаолият ҳисобланиши белгиланган. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган сабабларнинг олдини олиш ва улар келтириб чиқарган оқибатларнинг оғирлигини камайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, соҳага автоматлаштирилган **фото-видео тасвирга олиш воситалари** ва бошқа ахборот-технология воситалари деярли тўлиқ татбиқ этилди ҳамда ушбу воситалар орқали йўл ҳаракати қатнашчиларининг **тартиб-қоидаларга риоя этиш маданиятини** янада ошириш ва йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтиришда сезиларли натижаларга эришилди.

Соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи яна бир асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат — **Йўл ҳаракати қоидалари**ни келтиришимиз мумкин. Айнан унда автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг тезлиги масалалари батафсил қайд этилган. Ушбу қоидаларнинг **78, 79, 80** ва **81-банд**ларида транспорт воситалари ва йўлларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг юқори тезлик ҳамда ҳайдовчиларнинг транспорт воситалари тезлиги билан боғлиқ мажбуриятлари белгиланган. Хусусан, **78-банди**га мувофиқ, аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига **70 километрдан,** турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига **30 километрдан** оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади. **81-банди**да ҳайдовчиларга тезликни мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезликдан ошириш, зарурият бўлмаганда жуда паст тезликда ҳаракатланиб, бошқа транспорт воситаларига халақит бериш ва бошқалар тақиқланиши белгиланган. Мазкур ҳолат кўрсатиб турибдики, аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлар транспорт воситаси тезлигини ошириш учун **энг хавфли ҳудудлар** ҳисобланади. Лекин бир вақтнинг ўзида автомобиль йўлларида ҳаракатланишнинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, йўл ҳаракатининг **ҳар бир қатнашчиси хавфсизлигини таъминлаш** мақсадида ҳайдовчиларга зарурият бўлмаганда *жуда паст тезликда* ҳаракатланиш ҳам тақиқланади. Ундан ташқари, қоидаларга мувофиқ, автоматлаштирилган *фото-видео тасвирга олиш воситалари ва радардан* фойдаланишга нисбатан **стационар махсус техника воситаларидан фойдаланиладиган жойларда доимий йўл белгиларини, кўчма махсус техника воситаларидан фойдаланиладиган жойларда** эса кўчма устунга вақтинчалик йўл белгиларини ўрнатиш кўзда тутилади. Бироқ амалиётда мазкур масала – *кўчма устунга вақтинчалик йўл белгиларини ўрнатиш* бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Барчамизга маълумки, замонавий демократик давлатда қонунбузарлик ҳолатлари учун жазо муқаррар бўлиши ва қонун устуворлиги таъминланиши лозим. Йўл ҳаракати қоидаларида транспорт воситалари учун белгиланган тезлик чекловларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **$128^3$-модда**сида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганлиги учун жазо чоралари назарда тутилган. **Мазкур модданинг биринчи қисми санкциясида** транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини **соатига 20 километрдан кўп бўлмаган ҳолатда** ошириб юборганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** миқдорида жарима, **бешинчи қисми санкциясида** транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини **соатига 40 километрдан ортиқ тезликда** худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ва бошқа бир қатор ҳолатлар учун **транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга** маҳрум қилиш ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шу ўринда, жарима миқдорлари аҳолининг **реал даромадларидан** келиб чиқиб белгиланмаганлиги масалаласи ҳам долзарб аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** *2021 йил июнь ойи ҳолатига кўра* ***245 минг сўм***ни ташкил этмоқда.

### АҲОЛИНИНГ АМАЛДАГИ ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ҚАНЧА?

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2020 йил учун **ўртача ойлик иш ҳақи 2 миллион 667 минг сўм**ни ташкил этган.

Халқаро валюта фондининг 2020 йил учун маълумотларига мувофиқ, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг аҳоли жон бошига ҳисоби **7 449 доллар**дан иборат бўлган.

Агар белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** *энг енгил жазо санкцияси* сифатида **ўртача ойлик иш ҳақининг деярли 10 фоизини** ташкил этадиган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш баравари** ***энг оғир жазо санкцияси*** сифатида ***ўртача ойлик иш ҳақининг деярли 3 баробарини*** ташкил этмоқда. Мазкур ҳолат ҳозирда фуқароларимизнинг ***иқтисодий манфаатларига*** мос келмаяпти.

Бугунги замонавий дунёда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ўртача ойлик иш ҳақининг ҳаттоки **ярмидан кўпроқ** миқдорида жарима белгиланиши нормал ҳолат ҳисобланмайди ва буни хорижий давлатларнинг қонунчилигида автомобиль йўлларида ҳаракат тезлигини меъёридан оширганлик учун белгиланган жазо санкциялари орқали кўришимиз мумкин. Бунда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, бир қатор хорижий давлатларда ҳаттоки инсон ўлими билан якунланувчи автотранспорт ҳодисалари қанчалик ортиб бормасин, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун **жарималар миқдорининг оширилиши** мазкур муаммога ечим сифатида қаралмайди.

### ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ҚАНЧА МИҚДОРДА БЕЛГИЛАНГАН?

Хорижий давлатларда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун белгиланган ***жазо санкцияларининг миқдори*** ва уларнинг аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақига нисбати алоҳида эътибор талаб этади. Айрим давлатларнинг ***Йўл ҳаракати қоидаларига*** кўра автомобиль йўлларида транспорт воситасининг тезлигига нисбатан қуйидаги чекловлар ва уларга нисбатан жазо санкциялари қўлланилган:

*Франция Республикасида энг енгил жазо санкцияси* сифатида белгиланган тезликни **20 км соатгача** оширганлик учун **68 евро** миқдорида жарима, *энг оғир жазо санкцияси* сифатида белгиланган тезликни **50 км соатдан** оширганлик учун **1,500 евро** миқдорида жарима белгиланган. Франция *Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар миллий институтининг* маълумотига кўра, 2020 йил учун ўртача ойлик иш ҳақи **3 085 еврони** ташкил этган, бунда **68 евро** ўртача ойлик иш ҳақининг **2,2 фоизини, 1,500 евро** эса ўртача ойлик иш ҳақининг **50 фоизини** ташкил этади.

*Польша Республикасида энг енгил жазо санкцияси* сифатида тезликни **10 км соатдан** оширганлик учун **50 злотагача** жарима, *энг оғир жазо санкцияси* сифатида тезликни **50 км соатдан** оширганлик учун **400 дан 500 злотагача** жарима белгиланган. Польша Статистика бош бошқармасининг 2020 йил учун маълумотларига кўра, мамлакатда ўртача ойлик иш ҳақи **5411 минг злотани** ташкил этади. Бунда **50 злота** ўртача ойлик иш ҳақининг **1 фоизини, 500 злота** эса ўртача ойлик иш ҳақининг **10 фоизини** ташкил этади.

*Финландияда энг енгил жазо санкцияси* сифатида тезликни **10 км соатдан** оширганлик учун – **170 евро** *(аҳоли яшаш пунктида),* **140 евро** *(аҳоли яшаш пунктидан ташқари жойда)* жарима, *энг оғир жазо санкцияси* сифатида тезликни **48 км соатдан 50 км соатгача** оширганлик учун – **белгиланган кунлик таърифнинг 28 баробари (***аҳоли яшаш пунктидан ташқари жойда)* жарима белгиланган. Финландия Статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, **2020 йилда** мамлакатдаги **ўртача ойлик иш ҳақи 3 313 еврони** ташкил этади. Бунда **170 евро** ўртача ойлик иш ҳақининг **5,1 фоизини** ташкил этади.

*Озарбайжон Республикасида энг енгил жазо санкцияси* сифатида тезликни **10 км соатдан 20 км соатгача** оширганлик учун – **10 манатгача** жарима, *энг оғир жазо санкцияси* сифатида тезликни **61 км соат** ва ундан юқоригача оширганлик учун – **250 манатгача** жарима белгиланган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2021 йилнинг 1 март ҳолатига **ўртача ойлик иш ҳақи 692,3 манатни** ташкил этади. Бунда **10 манат** ўртача ойлик иш ҳақининг **1,5 фоизини, 250 манат** эса ўртача ойлик иш ҳақининг **36 фоизини** ташкил этади.

*Германия Федератив Республикасида энг енгил жазо санкцияси* сифатида тезликни **10 км соатдан** оширганлик учун – **30 евро** жарима, энг оғир жазо санкцияси сифатида тезликни **70 км соат** ва ундан юқоригача оширганлик учун – **680 еврогача** жарима белгиланган. Федерал статистика бошқармасининг маълумотига кўра, 2021 йилда **ўртача ойлик иш ҳақи 4 035 еврони** ташкил этади. Бунда **30 евро** ўртача ойлик иш ҳақининг **0,1 фоизини, 680 евро** эса ўртача ойлик иш ҳақининг **16,8 фоизини** ташкил этади.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, тезликни меъёридан оширганлик учун **ўртача ойлик иш ҳақига** нисбатан энг енгил жазо чораси **5,1 фоиздан,** энг оғир жазо чораси эса ***36 фоиздан*** ошмаяпти, Ўзбекистон Республикасида эса мазкур ҳолат ***ўртача ойлик иш ҳақига*** нисбатан энг енгил жазо чораси ***10 фоизни***, энг оғир жазо чораси эса ўртача ойлик иш ҳақининг деярли ***3 баробарини*** ташкил этаяпти, яъни энг оғир жазо чораси қўлланилган тақдирда аксарият фуқаролар **3 ойлик** даромадларини жарима учун тўлашига тўғри келяпти.

### ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА БУГУНГИ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАР ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХУЛОСА ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРМОҚДА:

- бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганлиги учун қонунчиликда ўрнатилган жазо санкциялари аҳолининг ***иқтисодий имкониятларига*** мутаносиб эмас ҳамда уларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда;
- 2020 йилда бошланган ва 2021 йилда ҳам бутун дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси Ўзбекистонда ***аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳолатига*** ўз таъсирини ўтказди ҳамда бунинг оқибатида баъзи фуқароларимизнинг даромадларида узилишлар бўлмоқда;
- йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилишнинг аниқ механизмларини ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш зарур. Масалан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ***автоматлаштирилган фото-видео тасвирга олиш воситалари***дан фойдаланилган ҳолда автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракат тезлиги тасвирга олинганда тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида ***кўчма устунга вақтинчалик йўл белгисини ўрнатган ёки ўрнатмаганлигини*** аниқлаштириш масаласи очиқлигича қолмоқда;
- йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун **жарималар миқдорини белгилашда** асосий индикатор сифатида аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисобга олишни бугунги шарт-шароитлар талаб қилмоқда.

### МАЗКУР ТАКЛИФЛАРНИНГ АМАЛИЁТДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ:

- фуқаролар, айниқса, ҳайдовчиларнинг иқтисодий шарт-шароитини яхшилашга;
- жарималар миқдорларининг бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқилиши ва адолатли тарзда белгиланишига;
- коронавирус пандемияси шароитида аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тизимлилигини таъминлашга хизмат қилади.

**Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,**
**Амирбек КЕНЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари**

O‘ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



**65 кун қолганида 20.08.2021**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш бошланади.

**45 кун қолганида 09.09.2021**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тугайди.

**40 кун қолганида 14.09.2021**

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

**35 кун қолганида 19.09.2021**

Номзодларни рўйхатга олиш тугалланади.

**10 кун олдин 14.10.2021**

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига ариза билан маълум қилади.

**10 кун олдин 14.10.2021**

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни хабардор қилади.

**5 кун қолганида 19.10.2021**

Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш тўхтатилади.

**3 кун қолганида 21.10.2021**

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини овоз бериш кунига, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига округ сайлов комиссияларидан олади.

**3 кун олдин 21.10.2021**

Кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши керак.

**1 кун қолганида 23.10.2021**

Сайлов куни ва овоз беришга **бир кун қолганида** ташвиқотга йўл қўйилмайди.

**2021 йил 24 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

## Бугуннинг гапи

**Лоф дегани ҳам эви билан-да, қанчадан-қанча одамлар ўз она тилини болалар боғчасида, мактабда, ҳатто институтда ўқиб ҳам бинойидек ўргана олмаяпти-ку, инглиз ёки рус, араб тилини атиги 30 кунда ўрганишга йўл бўлсин. Чет тилини ўрганмоқчи бўлган ёшларда, аввало, бунга мойиллик бўлиши зарур. Қолаверса, хорижий тилни ўқиб-ўрганиш ой ёки йил билан белгиланадиган машғулот эмас, қунт, сабр-тоқат талаб қиладиган доимий, узлуксиз жараён ҳисобланади.**

# Чет тилини бир ойда ўргатса...

## ЎРГАНСА бўладими?




Маълумки, кўча-кўйдаги бекатлар, пиёдалар йўлаги ёнидаги симёғоч устунларига, йўл бўйидаги дарахтларга, кўп қаватли уй девори-ю кириш эшигига, йўл белгилари пастки қисмига, газ ва сув қувурларига, хуллас, кўзга ташланадиган жой борки, ҳаммасига устма-уст, ярашмаган ямоқ мисоли ёпиштирилган хусусий эълонлар орасида рус тили ёки инглиз, араб тилини 1 ой (30 кун) да ўргатишни даъво қилаётган ўқув марказлари кўп учрайди.

*Бунга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасдан, “ingliz tili 1 oyda” деб ёзилган қоғоздаги телефон рақамига қўнғироқ қилдим. Нариги томондан бир қиз гўшакни кўтарди. Ўқув марказига тушибман, “Чўпонота” мавзесида жойлашган экан. Мен қандай қилиб 1 ойда инглиз тилини ўргатиш мумкинлигини сўрадим. Бунинг учун, аввало, бир ой ҳисобига 1 миллион 200 минг сўм тўлов қилар эканман. Машғулотларни махсус лизенцияга эга ўқитувчилар олиб боракан.*

Чет тилини ўрганиш ниятида бўлганлар чиндан ҳам кўпми ёки бу ҳам ўзига хос бизнесга айланиб бораяптими, телевидениеда “грамматикасиз, сўз ёдлашларсиз чет тилларини қисқа муддатда ўрганиш” дастури (адашмасам, китоб кўринишидаги қўлланма, эшитадиган яна нимасидир бор) тарғиб қилина бошланди. Мисол учун, “Sevimli” телеканалининг “ZAMON” информацион кўрсатувида “грамматикасиз, сўз ёдлашларсиз чет тилларини қисқа муддатда ўрганиш” лавҳаси намойиш этилганда “Наҳотки, мен замондан орқада қолиб, таълим, чет тилини ўрганиш-ўргатиш ҳам тезлашиб кетган бўлса”, деб ҳайратдан ёқа ушладим. Одатда, информацион дастурларда республикамиз ва хорижда рўй берган энг муҳим янгиликлар томошабинларга етказиларди. Хусусий ўқув марказининг қўлланмалари реклама қилинишини эса аввал кўрмагандим.

Телеканалларнинг асосий даромади реклама бўлганидан кейин нимаям дердик, дуч келган кўрсатув орасида, у ахборот-информацион дастур бўлса ҳам бераверакан-да. Ўша дастурнинг бир четида майда ҳарфлардаги “реклама” ёзувига кўзим тушди. Сериал кўриб ўтирганда, “грамматикасиз, сўз ёдлашларсиз чет тилларини қисқа муддатда ўрганиш” лавҳаси намойиш этилиб қолса, бунга ҳеч ким эътибор бермаслиги мумкин. Аммо ахборот-информацион дастурда бундай бўлмайди.

***“Муҳим янгиликлар ичида бежиз берилмайди. Шуни ўғлим билан қизимга сотиб олиб беришим керак экан” деб, одамлар ишонишади. Ўқув қўлланмаларини реклама қилаётган, шу орқали уларни кўпроқ пуллаш ниятида бўлганларга эса айнан шу керак. Бу ахир пул топишнинг бир йўли, асл мақсад чет тилини кимнингдир калласига қуйиш эмас. “Грамматикасиз, сўз ёдлашларсиз” жумласи айнан шундан далолат бериб турибди.***

Биз, ота-оналар фарзандларимиз билимли бўлишини, чет тилини ҳам яхши билишини истаймиз. Мактабда берилаётган таълим билан чекланиб қолмасдан, ўқув марказларида ўқиб-ўрганишини қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун чўнтагимиздаги охирги пулни тўлашга ҳам тайёрмиз. Шундай экан, фарзандларимиз инглиз тилини (ёки рус, араб тилини) ўрганишида ўқиш маҳоратини ошириб бориши, грамматика ва тил қурилишини англаши, сўзларни ёдда сақлаши, уларнинг ифода ҳамда талаффузини ўрганиши, жонли мулоқотда бўлиши муҳим эканини тушуниб етсак, ёмғирдан кейин чиққан қўзиқорин каби кўпайиб бораётган ўқув марказларига алданиб қолмаймиз. Акс ҳолда...

**Суюндик МАМИРОВ,**
**“Adolat” мухбири**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши партия фаоли Собир Турсуновга онаси

Саноат ТУРСУНОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИБРАТ

# ИСКАНДАРНИНГ бўш кетган қўли

*Ҳамма иқлимларни қўлга киритган шоҳ Искандар жаҳон мамлакатининг тахтига эга бўлди.*

*У бориб олмаган бирон ер қолмади. Бирон ер қолмадики, у бормаган бўлсин. Дунёдаги ҳамма ер ва сув унинг ҳукмига ўтиб, хўлу қуруқ буйруғининг қавзасига тушди.*

*Осмоннинг кўк гумбази устида хутба ўқиб, адолат тамғаларини (олтин, кумушга эмас), юлдузларга урди. Шоҳлар ўз ихтиёрлари билан унга қул бўлишди; унга қул бўлиш билан улар фахрландилар.*

*У ҳам шоҳ эди, ҳам валий, ҳам пайғамбар. Унинг табиати эса донишмандлик билан ростланган эди. Унинг асл зотида Жамшидлик одатлари бор эди.*

*Оддий кўзгу унга жаҳонни кўрсатадиган жом бўлиб хизмат қиларди.*

*Етти қават осмон ҳукмронлиги унга муяссар, етти иқлим унга бўйсунган эди.*

*Шундай юксак мартабали бахтиёр подшоҳ бу ўткинчи дунёдан кўчим кўтармоқчи бўлиб қолганда қизиқ бир ожизлик ва бечоралик ҳолатини бошидан кечирди.*

*Олдида қизиқ бир оворалик юз берди.*

*Унга на ҳакимлари ёрдам қила олди; на хизматкорлари, на қуллари унинг фармонини бажара олди. Улар барчаси бу яшил боғда қолиб, у бир ўзи қора тупроғнинг ичига йўл олди. Бундай ҳалокат унинг ичини ўртагач, шундай сўзлар билан у ичини бўшатди.*

***— Шу нафасда мен пастга қараб бораяпман; шоҳлик ноғораси сафарга чорламоқда. Ким ўз ор-номус шартини сақламоқчи бўлса, менинг унга шундай васиятим бор: вақтики пок бўстон қуши мен томон учиб келиб, поклик айвонига боришимни эслатган чоғда, оҳ тортиб, оламни қоронғи қилиб, тобутдан менга ухлаш учун жой ҳозирлаб, йўлимни қабр томон бошлар экансизлар, бир қўлимни тобутнинг ёнидан чиқариб қўйинглар. Кишилар тобутга назар солар эканлар, ибрат юзасидан шу қўлга қарасинлар. Билсинларким, етти ўлка подшоси, етти осмон мушкулларидан хабардор одам, энди жисмида жон йўқ, бу макондан, бу жаҳондан бўш қўл билан кетмоқда. Кимки жаҳон мамлакатини ҳавас қилса, ушбу қўл унга етарли ибратдир.***

«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» достонидан

O‘ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 21 603
Босишга топширилиш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.00
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.